

Фикр дурдоналари (25-қисм)



15:10 / 09.04.2017 4434

126. (Илгари) мен ва соғлик мол-дунёни қидирган эдик. Бугун эса, мен ва мол-дунё соғликни қидиряпмиз.

127. Ҳар сафар бемор кишини кўрсанг, Аллоҳдан унга шифо тилаб дуо қил!
Ҳар сафар маҳзун кишини кўрсанг, Аллоҳдан унга саодат тилаб дуо қил!
Таниган ва танимаган кишингни ҳаққига дуо қилавер! Сенга фариштанинг
"Сенга ҳам" деб айтиши кифоя қилади.

128. Сени ҳақиқий яхши кўрувчилар муваффақиятга эришганинда сенга қарсак чаладиганлар эмас, балки, улар – хато қилганинг учун оғриниб, сенга насиҳат қилишга шошадиган, хушомадгўйлик қилмасдан, айбларингни очиқчасига айтадиган кишилардир.

129. Бола онасидан: "Ичи тўла пули бор сумкангизни ходимингиз ёнида қолдирасизми?" деб сўради. Она: "Асло. Уни ходимимга ишониб қолдирмайман" деди. Шунда бола: "Унда мени ўша ходимингиз ёнида қандай қолдирасиз?" деди.

130. Икки нарса сенинг кимлигингни белгилайди:

1. Ҳеч нарсага эга бўлмаган пайтингдаги сабринг.
2. Ҳамма нарсага эга бўлган пайтингдаги ахлоқинг.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси